

“«Tenge Bank» АТБ Ягона  
акционерининг қарори билан  
2021 йил “                ” да  
“ТАСДИҚЛАНДИ”

(“Қозғалыстон халқ банки” АЖ  
Директорлар кенгашининг 2021 йил  
“16” июне даги сиртқи  
йиғилишининг 15-сонли баённомаси)

2. Илтимад Ылан башкручинин йиғилишининг 26-сонли баённомаси) көртилди) ососий вакыфларни ва вакоат муддати, шунингдек, башкваруң иштәнүүнүн таңбасы, Ранс за Башкөрүү вайолачининг үзүүк на мэжбурлаларни хамла болуп масалалар белгиләб берилди.

# “TENGE BANK” АКЦИОНЕРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНИ БОШҚАРИШ ТҮГРИСИДАГИ НИЗОМ

**(Янги таҳрирда)**

• Банкниң тасдиқлашып иштөө биндерине көмек салып, шундайда  
Банкның Яғона акционерінің 100% жағдайда оның тапшыларынан  
**ТОШКЕНТ – 2021**  
негізделген күйдіңдеңде жорықтастырылған жаңылықтардың зерттеулерін

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. “Tenge Bank” АТБни бошқариш түғрисидаги мазкур Низом (бундан кейин матнда – Низом деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки түғрисида”ги (янги таҳрирда), “Банклар ва банк фаолияти түғрисида”ги (янги таҳрирда), “Акционерлик жамиятлари ва акционерларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш түғрисида”ги (янги таҳрирда) Қонунлари ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари, шунингдек, “Tenge Bank” (бундай кейин матнда – Банк деб юритилади) АТБнинг Устави ва бошқа ички меъёрий ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган.

2. Низомда Банк бошқарувининг (бундан кейин матнда – Бошқарув деб юритилади) асосий вазифалари ва ваколатларини, унинг таркиби, шаклланиш тартиби ва ваколат муддати, шунингдек, Бошқарув йиғилишини ўтказиш тартиби, Раис ва Бошқарув аъзоларининг ҳукуқ ва мажбуриятлари ҳамда бошқа масалалар белгилаб берилади.

3. Бошқарув ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва “Банклар ва банк фаолияти түғрисида”ги (янги таҳрирда), “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки түғрисида”ги (янги таҳрирда), “Қимматли қоғозлар бозори түғрисида”ги, “Акционерлик жамиятлари ва акционерларни ҳимоя қилиш түғрисида”ги (янги таҳрирда) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий-ҳукуқий ҳужжатлари ва бошқа кўрсатмалари, шунингдек, бошқа қонунчилик ҳужжатлари, “Tenge Bank” АТБнинг Устави, Банкнинг ва Кузатув кенгашининг бошқа ички меъёрий ҳужжатларига риоя қиласди.

## II. БАНК БОШҚАРУВИННИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ВАКОЛАТЛАРИ

4. Банк бошқаруви Банкнинг ижро органи ҳисобланиб, Банкнинг Ягона акционери ва Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган Бошқарув стратегияси ва тизимиға мувофиқ Банкнинг тезкор бошқарувини амалга оширади ҳамда Банк фаолияти учун тўла жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Бошқарув Банкнинг Кузатув кенгаши ва Ягона акционерига ҳисоб беради.

5. Бошқарувнинг асосий вазифаларига куйидагилар киради:

- Банкнинг Ягона акционерининг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларига риоя қилинишини таъминлаш;
- Банкнинг тасдиқланган йиллик бизнес-режасини бажариш, шунингдек, Банкнинг Ягона акционери ва Кузатув кенгашига қилинган ишлар, Банкка нисбатан қўлланилган чоралар ва санкциялар түғрисида ҳисбот тақдим этиш;
- Банк бошқарувини тегишли ва шаффоф тузилишини таъминлаш, жумладан, ваколат ва жавобгарликларни Банкнинг бўлинмалари ва ходимлари ўртасида тақсимлаш, уларнинг устидан назоратни амалга ошириш;

- Банкнинг тасдиқланган ривожланиш стратегиясининг мақсадларини амалга ошириш, жумладан, таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, назорат қилиш ва хабар бериш, капиталнинг етарлилигини тегишли даражада ушлаб туриш, унинг жорий молиявий-хўжалик фаолиятининг энг муҳим масалалари бўйича қарорлар ишлаб чиқиш ва бўлинмалари ишини мувофиқлаштириш;
- ички назорат ва таваккалчиликни бошқариш тизимларининг самарадорлигини ошириш;
- банк активларининг даромадлигига эришиш ва Банк фаолиятидан келадиган фойдани максималлаштирилишини таъминлаш;
- халқаро тажрибани чуқур таҳлил қилишга асосланган замонавий корпоратив бошқарув усулларини татбиқ қилиш, сармоявий, моддий-техникавий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, Банкка чет эл сармояларини кенг жалб этиш, республиканинг ва чет элнинг етакчи таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ҳамда касбий малакасини ошириш учун кулагай шартшароитларни шакллантириш, шунингдек, юқори малакали хорижий менежерларни банкнинг раҳбарлик лавозимларига жалб қилиш;
- Банк Уставида ва банк фаолиятини тартибга солувчи қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажаради.

#### 6. Бошқарув ўз фаолияти жараёнида:

- Банкнинг Ягона акционери ва Кузатув кенгашининг қарорлари бажарилишини ташкиллаштиради;
- Банкнинг тузилмавий бўлинмалари ишини мувофиқлаштиради, омонатлар ва сармояларни жалб этиш учун чоралар кўради, бошқарув ходимларини тайёрлаш ва малакасини ошириш мақсадида ихтисослашган ташкилотлар билан ҳамкорликни ташкил этади;
- Тасдиқланиши Банкнинг Ягона акционери ва Кузатув кенгаши ваколатига кирувчи маҳаллий хужжатлардан ташқари Банкнинг тузилмавий бўлинмалари тўғрисидаги қоидалар, тартиблар, низомларни ва бошқа ички меъёрий хужжатларни тасдиқлайди;
- Бошқарув ҳузурида қўмиталар ташкил этади ва уларнинг низомларини тасдиқлайди;
- Банкнинг жорий фаолияти бўйича муҳим масалалар юзасидан қарорлар қабул қиласди;
- ички аудит, Банкнинг Тафтиш комиссияси иши жараёнларида аниқланган камчиликларни тезкорлик билан кўриб чиқади ва бартараф этиш юзасидан чоралар қабул қиласди;
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўтказилган ташқи аудит текшируви ва нозирликнинг ҳисоботини батафсил таҳлил қиласди;

- кредит, сармоявий, эмиссион сиёсат, ликвидликни бошқариш сиёсати, коррупциянинг олдини олиш бўйича сиёсат, ахлоқ-одоб қоидалари, кадрлар сиёсати, манфаатлар ўртасидаги зиддиятларнинг олдини олиш ва бартараф этиш бўйича сиёсат каби Банкнинг бошқарув фаолияти билан боғлиқ сиёсатни ишлаб чиқиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилади;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк Устави, мазкур Низом ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатлари доирасида Бошқарув ваколатига тегишли бошқа масалаларни ҳал қилади.

7. Бошқарувнинг ваколатига Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги, Банк Устави ва Банкнинг бошқа ички ҳужжатлари ҳамда Банкнинг Ягона акционери ва Кузатув кенгаши ваколатига тегишли масалалардан ташқари Банк фаолиятини амалда бошқаришга тегишли барча масалалар киради.

8. Бошқарув аъзоларининг мажбуриятларини тақсимлаш Банк бошқаруви Раиси томонидан белгиланади. Банк Бошқаруви Раиси томонидан мажбуриятларни тақсимлаш Бошқарувнинг ҳар бир аъзосининг улар билан тузилган меҳнат шартномаси ва Банкнинг бошқа ички меъёрий ҳужжатларида белгиланган лавозим вазифаларини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

### **ІІІ. БАНК БОШҚАРУВИННИНГ ТАРКИБИ, ШАКЛЛАНИШ ТАРТИБИ, ВАКОЛАТ МУДДАТИ**

9. Банк Бошқаруви Раисини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан олдин бекор қилиш Банкнинг Ягона акционери ваколатига тегишли ҳисобланади.

Банк Бошқаруви аъзоларини сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларининг муддатидан олдин бекор қилиш Банк Кузатув кенгашининг ваколатига киради.

Бошқарув 5 (беш) кишидан ташкил топади. Бошқарув таркиби Раис ва унинг ўринbosарлари киради, шунингдек, унга бошқарувчи директорлар ва Банкнинг асосий бўлинмаларининг бошликлари кириши мумкин.

10. Банк Бошқаруви аъзолари бенуқсон ишбилармонлик обрўсига, Банк таваккалларини самарали бошқаришни таъминлаш, ўз ваколати доирасида асосли қарорлар қабул қилишда зарур бўлган тажриба, билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.

Банк Бошқаруви аъзолигига тақдим этилган шахсларнинг номзоди улар лавозимга тайинлангунларига қадар Марказий банк билан келишилиши лозим. Агар асосий ходимни объектив сабабларга кўра келишувдан ўтказиш имкони бўлмаган тақдирда Банк навбатдаги келишувни олиш учун сўровнома жўнатиши лозим бўлади.

Бошқарув аъзолигига номзод Банкнинг Назорат кенгашига унинг жиной, маъмурий ва фуқаролик жавобгарлигига тортилганлиги, ёки Бошқарув аъзоси вазифасини бажаришига тўсқинлик қилувчи бошқа чеклов ҳолатлари ҳакида маълум қилиши шарт.

11. Бошқарув аъзолари бир йил муддатга тайинланиб, ҳар йили уни узайтириш (қайта келиши) ёки тугатиш (бекор қилиш) имконияти тўғрисида қарор қабул қилинади.

Банк Бошқаруви Раиси бир йил муддатга тайинланиб, ҳар йили уни узайтириш (қайта келиши) ёки тугатиш (бекор қилиш) имконияти тўғрисида қарор қабул қилинади.

Банк номидан Банк Бошқаруви Раиси билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси Банкнинг Кузатув кенгаши Раиси ёки Банкнинг Ягона акционерининг вакили томонидан имзоланади. Банк Бошқарув аъзолари билан тузилган муддатли меҳнат шартномаси Банк Бошқарув Раиси ёки Банк Кузатув кенгаши вакили томонидан имзоланади.

Бошқарув Раиси билан тузиладиган шартномада унинг Банк фаолиятининг самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ва Банкнинг Ягона акционери ва Кузатув кенгаши олдида вақти-вақти билан бериб борадиган Банкнинг йиллик бизнес режаси, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган бошқа муҳим шартларнинг бажарилиши тўғрисидаги ҳисботи кўрсатиб ўтилади.

12. Банкнинг Ягона акционери Бошқарув Раиси ва аъзолари томонидан меҳнат шартномаси бузилганда, шунингдек, уларнинг Уставни қўпол равища бузганликлари ёки уларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли куйидаги асослар билан чегараланмаган ҳолда Банкка зарар етган тақдирда, яъни:

- Банк Бошқарув аъзосининг ҳаракати билан Банкка жиддий зарар етказиши;
- Банкнинг ишбилармонлик нуфузига путур этиши;
- қасдан жиной ҳаракат содир этиши;
- Банк билан битим тузатганда ўзининг манфаатларини яшириши;
- ўз мажбуриятларини виждонсизларча бажариши;
- қонунчилик, Банк Устави ва Банк Бошқарув идораларининг қарорларида рухсат этилган тақдирда ҳақ тўлашдан ташқари Банк фаолиятидан шахсий фойда олиши;
- Банк Бошқарувида ишлаган даврида Банк билан рақобатлашадиган тижорат ташкилотларини таъсис этиши;
- Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган бошқа асослар мавжудлигига улар билан меҳнат шартномасини муддатидан олдин тўхтатиш (бекор қилиши) хукуқига эга бўлади.

Банкнинг Ягона акционери томонидан Банк Бошқаруви Раиснинг ваколатини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда Бошқарув Раисининг ваколатини топшириш тўғрисидаги масала Банк Ягона акционерининг айнан ўша қарорига киритилади, ёки Бошқарув Раиси вазифасини вақтинча бажаришга тайинлаш тўғрисидаги қарор қабул қилинади.

13. Бошқарув Раисини мукофотлаш миқдори Банк фаолиятининг самарадорлигига, унинг олдига қўйилган вазифаларни бажаришига тўғридан-тўғри боғлиқ ва у билан тузилган муддатли меҳнат шартномасида белгилаб қўйилади.

14. Банкнинг Кузатув кенгаши Бошқарув аъзолари томонидан меҳнат шартномаси шартлари бузилганда, шунингдек, улар томонидан Банк Устави қўпол равища бузилган ёки уларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан Банкка зарар етказилганда улар билан шартномани тўхтатиш (бекор қилиш) хукуқига эга бўлади.

15. Бошқарув аъзоларини мукофотлаш миқдори Банк фаолиятининг самарадорлигига, уларнинг олдига қўйган вазифаларни бажаришларига тўғридан-тўғри боғлиқ ва улар билан тузилган муддатли меҳнат шартномасида белгилаб қўйилган.

16. Бир вақтнинг ўзида Банк ходими ҳисобланган Бошқарув аъзоси ваколати билан бўлган меҳнат муносабатларининг қолган қисмини автоматик тарзда тўхтатмайди. Банк билан меҳнат шартномасининг бекор қилиниши Банк Кузатув кенгашига ёзма хабар бериш билан Бошқарув аъзолигини тугатилишига олиб келади.

17. Банкнинг Кузатув кенгашининг қарорига кўра Бошқарув аъзолиги ваколати қуидаги сабабларга асосан тугатилиш мумкин:

- а) ёзма хабар бериш орқали ўз ваколатини ихтиёрий равища топшириш;
- б) суд томонидан унинг Банкка мулкий зарар етказганлиги тан олинган тақдирда 1 (бир) йилгача муддатга хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқлангани ҳақида қонуний кучга кирган суднинг айблов ҳукмининг мавжудлиги;
- в) Бошқарув аъзосининг ўлими;
- г) Бошқарув аъзосининг қамоқقا олиниши;
- д) Банк Кузатув кенгаши томонидан тегишли қарор қабул қилинганда.

18. Бошқарув аъзолари ваколатларининг Кузатув кенгаши ташабbusи билан тугатилишига қуидаги ҳолатлар асос бўлади:

Бошқарув аъзоларининг ҳаракати билан Банкка жиддий зарар етказилганда;

Банкнинг ишбилармонлик нуфузига путур етганда;

қасддан жиноий ҳаракат содир этилганда;

ўзининг Банк билан тузилган келишувдан манфаатдорлигини яширганда; хизмат мажбуриятларини виждонсизларча бажарганда;

Қонун ҳужжатларида, Банк Устави ва Банкнинг Ягона акционери, Кузатув кенгаши ҳамда Бошқарувининг қарорларида рухсат этилган ҳолатлар ва ҳак тўлашдан ташқари Банк фаолиятидан шахсий фойда олганда;

Бошқарувдаги иш даврида Банк билан рақобатлашадиган тижорат ташкилотини таъсис этганда;

Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган бошқа асослар.

#### **IV. БАНК БОШҚАРУВИ ЙИҒИЛИШНИ ЧАҚИРИШ ВА ЎТКАЗИШГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ТАРТИБИ**

19. Бошқарув йиғилиши Банк Бошқаруви иш режасига (бундан кейин матнда – иш Режаси деб юритилади) мувофиқ, шунингдек, зарурат туғилганда, бироқ бир ойда бир марта ўтказилади.

Банк Бошқарувининг навбатдан ташқари йиғилиши Бошқарув Раиси ёки унинг ўрнини босувчи шахс томонидан зарурат туғилган ҳолларда чақирилиши мумкин.

Иш Режаси ўзида:

жорий йилда (ҳар чорак) Бошқарув йиғилишларида кўриб чиқилиши лозим бўлган масалалар;

Бошқарув йиғилишини ўтказиш жадвалини;

Бошқарув йиғилишида кўриладиган масалаларни тайёрлашга масъул шахсларнинг рўйхати (Банк бошқармалари идоралари)ни акс эттириши лозим.

20. Иш Режаси тузилганидан сўнг Бошқарувга унинг Раиси томонидан киритилади.

21. Иш Режаси ҳар йили овоз беришда иштирок этган Бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан тасдиқланади.

22. Иш режаси Банкнинг Ягона акционери, Кузатув кенгашининг қарорлари, Банкнинг Тафтиш комиссияси, Ички аудит бошқармаси, Бошқарув аъзолари, Банк бўлинмалари раҳбарларининг таклифларини инобатга олган ҳолда шакллантирилади.

23. Банкнинг Бошқарув Раиси ва аъзолари таклифи бўйича тасдиқланган иш Режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин. Бундай ўзгариш ва қўшимчалар Бошқарув Раиси томонидан тасдиқланади.

24. Банк Бошқарувининг йиғилиши унинг Раиси томонидан, у йўқлигига эса – унинг ўрнини босувчи шахс томонидан қўйидаги тартибда чақирилади:

- иш Режасига мувофиқ;
- Бошқарув Раисининг ёки Бошқарув аъзоларидан бирининг ташаббуси билан;

- Банкнинг Ягона акционери, Банкнинг Кузатув кенгашининг қарорига кўра, шунингдек, тезкор ҳолатларда Банкнинг Тафтиш комиссияси, Ички аудит бошқармасининг ташаббуси билан.

25. Бошқарув ўз ишини ташкил этиши учун Бошқарув котибини тайинлади. Бошқарув котиби Банк Бошқаруви йиғилишларига материалларни тайёрлайди, Бошқарув аъзоларига материалларини етказади, Бошқарув йиғилишининг баённомаларини расмийлаштиради ва сақлайди, Бошқарувнинг иш юритиш бўйича тадбирларини амалга оширади.

26. Бошқарув котиби:

Банк ходими бўлиши керак;

Бошқарув аъзоси бўлмаслиги керак;

Бошқарув котиби вазифасини бажариши муносабати билан ўзига маълум бўлган Банк фаолияти билан боғлиқ конфиденциал маълумотларни сир саклашга мажбур;

Бошқарув йиғилишларини ўтказишга тайёргарлик кўриш учун зарур бўлган ахборот ва маълумотларни белгиланган муддатларда сўраш ва олиш хукуқига эга.

27. Бошқарув Раиси, Бошқарув аъзолари, Банкнинг Кузатув кенгashi, Банкнинг Кузатув кенгashi Раиси, Банкнинг Тафтиш комиссияси, Банкнинг таркибий қисмлари раҳбарлари ёки бу таркибий қисмларнинг раҳбари вазифасини бажарувчилар Бошқарувнинг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилинадиган масалаларни таклиф қилиш хукуқига эга.

28. Бошқарувнинг навбатдаги йиғилиши учун зарур материаллар ҳамда тегишли қарорларнинг лойиҳалари Банкнинг тегишли таркибий қисмлари томонидан Банкнинг алоҳида ички меъёрий ҳужжатида назарда тутилган регламентга асосан тайёрланади.

29. Банк Бошқарув Раиси Банкнинг Кузатув кенгashi ёки Банкнинг Тафтиш комиссияси талаб қилган ҳолларда Бошқарувнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақиришга мажбур.

30. Бошқарувнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб Бошқарув йиғилишида кўрилиши лозим бўлган масалаларни белгилаган ҳамда мазкур масалаларни кўриб чиқиши учун зарур бўлган материаллар ва қарор лойиҳаларини илова қилган ҳолда ёзма равища расмийлаштирилади. Бошқарувнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш тўғрисидаги талаб Банк Бошқарув Раисига юборилади.

31. Бошқарувнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилинган ҳолда Банк Бошқарув Раиси йиғилиш куни, йиғилишнинг кун тартиби, Бошқарув аъзоларига тақдим этиладиган материаллар рўйхати, қайд этилган материалларни тақдим этиш муддатларини белгилаши, шунингдек, Бошқарув котибига Банкнинг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказиш учун

зарур бўлган барча чора-тадбирларни кўриш ҳақида кўрсатма бериши керак. Бундай ҳолатда Бошқарувнинг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказиш куни бу ҳақда қарор қабул қилинган кундан камидан 2 (икки) иш кунидан кейинга белгиланиши мумкин.

32. Агар навбатдан ташқари йиғилишни чақиришни талаб қилган шахс томонидан мазкур Низом билан белгиланган йиғилишни чақириш тартиби бузилган тақдирда Банк Бошқарув Раиси Бошқарувнинг навбатдан ташқари йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги талаб олинганидан сўнг 5 (беш) иш кунида Бошқарувнинг навбатдан ташқари йиғилишини чақиришни рад этиши мумкин.

## **V. БАНК БОШҚАРУВ ЙИҒИЛИШИ. БАНК БОШҚАРУВИ ЙИҒИЛИШИННИНГ БАЁННОМАСИ**

33. Бошқарув йиғилиши шахсан ҳам, сиртдан ҳам ўтказилиши мумкин. Шахсан бўладиган йиғилишлар мажлис шаклида (Бошқарув аъзоларининг кун тартибини муҳокама қилиш ва овозга қўйилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш учун биргаликдаги иштироки), ёки теле- ёхуд видеоконференция форматида ўтказилади.

34. Бошқарув йиғилишини Бошқарув Раиси, у йўқлигida унинг мажбуриятларини вақтинча бажарувчи Бошқарув Раисининг ўринbosарларидан бири олиб боради.

35. Банк Бошқарув йиғилиши агар унда Бошқарувнинг 3/5 аъзоси иштирок этса, қонуний хукуқка эга ҳисобланади.

36. Бошқарув йиғилишида баённома ёзилади. Баённомада:

Банкнинг тўлиқ номланиши;

йиғилишни ўтказиш жойи ва вақти;

йиғилишда иштирок этаётган Банк Бошқаруви аъзоларининг рўйхати, шунингдек, таклиф этилган шахсларнинг рўйхати;

йиғилишда кворумнинг мавжудлиги тўғрисидаги маълумот;

йиғилиш кун тартиби;

овозга қўйилган масалалар ва улар бўйича овоз бериш натижалари;

маъруза (ҳисбот)ларнинг ва йиғилишда иштирок этган шахсларнинг маърузаларини умумлашган тарзда етказиш;

қабул қилинган қарорлар ўз аксини топиши лозим.

Баённомада шунингдек, бошқа зарур маълумот ҳам қайд этилиши мумкин. Баённома Банк Бошқаруви котиби томонидан ёзиб борилади.

37. Қарор йиғилишда қатнашаётган Бошқарув аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда Бошқарув Раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

38. Бошқарув аъзолари Бошқарув қароридан рози бўлмаган тақдирда ўз фикрини Банкнинг Кузатув кенгашига маълум қилиши мумкин.

39. Бошқарув аъзоси овозининг Бошқарувнинг бошқа аъзосига ўтказилишига йўл қўйилмайди.

40. Овоз бериш Бошқарув аъзоси томонидан овоз берилаётган “ҳа”, “қарши”, “бетараф” вариантларидан бирига овоз бериш йўли билан амалга оширилади. Бошқарув Раисининг талаби билан Бошқарув аъзоси ўзининг овоз бериш вариантини асослаб бериши шарт.

41. Бошқарув йиғилишининг кун тартибидаги масала(лар) бўйича қабул қилинган қарорлар бўйича рози бўлмаган тақдирда йиғилишда иштирок этган Бошқарув аъзоси ўз фикрини ёзма равишда баён этиш ҳукуқига эга ва бу баённомага илова қилинади.

42. Бошқарув йиғилиши якунлари бўйича баённома йиғилиш ўтказилган санадан бошлаб 3 (уч) иш кунидан кечикмаган ҳолда расмийлаштирилади. Баённома йиғилишда иштирок этган барча Бошқарув аъзолари томонидан имзоланади.

43. Бошқарув йиғилишларидан кўчирма/нусхалар Банкнинг Ягона акционери, Банкнинг Кузатув кенгаши аъзолари, банкнинг Тафиш комиссияси, Банкнинг ташқи аудиторига уларнинг талабига кўра тақдим этилиши мумкин.

44. Бошқарув йиғилиши баённомаларининг асл нусхалари ва унинг материаллари Бошқарув котибида сақланади.

45. Банкнинг аффилир шахси билан тузилган битим тўғрисидаги маълумот амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда Банкнинг Кузатув кенгашида тасдиқлаш учун киритилгунга қадар Банк Бошқаруви ва Ички аудит бошқармаси томонидан кўриб чиқилади.

## **VI. БОШҚАРУВ ҚАРОРЛАРИ ИЖРОСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ**

46. Бошқарув қарорлари ижрочиларга Бошқарув йиғилишининг баённомаларидаги алоҳида масалалари бўйича кўчирмалар кўринишида Бошқарув котиби томонидан имзоланган ва Банк канцелярияси муҳри билан тасдиқланган шаклда етказилади.

47. Бошқарув қарорлари ижросини назорат қилиш Бошқарув котиби ва Канцелярия бошқармаси орқали Бошқарув Раиси томонидан амалга оширилади.

## **VII. БАНК БОШҚАРУВИ РАИСИ**

48. Бошқарув Раисининг ҳукуқлари ва мажбуриятлари Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк Устави, мазкур Низом, шунингдек, Бошқарув Раиси билан тузиладиган муддатли меҳнат шартномасида белгилаб қўйилади.

49. Бошқарув Раиси Бошқарув аъзоларининг, Банкнинг умумий мақсадлари ва режалари доирасидаги ваколатига кирувчи масалалар ҳал қилинишини мувофиқлаштиради. У агар масала Бошқарувнинг бошқа аъзоларига тааллуқли бўлса, уларни жалб қиласи.

50. Бошқарув Раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув идораларидағи лавозимлар билан бирга олиб боришига рухсат этилмайды.

51. Бошқарув Раиси:

- Банкнинг Ягона акционери ва Кузатув кенгаши қарорларининг бажарилишини таъминлайди;
- Банк номидан ишончномасиз ҳаракат қиласи, бошқа ташкилотлар билан ўзаро муносабатларда унинг манфаатларини ҳимоя қиласи;
- Банк Устави, мазкур Низом ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган доирада мулк ва воситаларни бошқаради;
- Банкнинг Бош офиси штат жадвали ва ходимлари сонини, филиалларини ва ваколатхоналарини тасдиқлайди;
- Банк Бошқаруви томонидан тасдиқланадиган барча ички ҳужжатларни имзолайди;
- Битимлар ва турли хил ҳаракатларни амалга ошириш учун унинг ваколатига киравчи ишончномаларни беради;
- банкларда Банкнинг корреспондентлик ҳисобларини очади;
- бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисбот берилшини ташкиллаштиради;
- ходимларни, шу жумладан, бўлинмалар, филиаллар ва ваколатхоналарнинг раҳбарларини ишга қабул қиласи ва ишдан бўшатади;
- қонунчиликда, Банк Устави, мазкур Низомда белгиланган тартибда Банкнинг Ягона акционери, Банкнинг Кузатув кенгаши қарорлари билан Банк ходимларини рағбатлантиради, шунингдек, уларни интизомий ва моддий жавобгарликка тортади;
- Банкнинг барча ходимлари учун бажарилиши мажбурий бўлган буйруқларни ва кўрсатмаларни чиқаради;
- Банк бошқармаларининг идораларини ташкилий-техник таъминотини ва назоратини амалга оширади;
- қонунчиликка ва Банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ Банкнинг жорий фаолиятидаги бошқа масалаларни ҳал қиласи.

### **VIII. БОШҚАРУВ АЎЗОЛАРИНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ, МАЖБУРИЯТЛАРИ ВА ЖАВОБГАРЛИКЛАРИ**

52. Бошқарув аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари Банк Устави, мазкур Низом, уларнинг ҳар бири билан бир йиллик муддатга тузиладиган меҳнат шартномаси, уларнинг муддатларини узайтириш ёки бекор қилиш имконияти тўғрисидаги ҳар йиллик қарор қабул қилиниши, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

53. Бошқарув аъзолари:

- Банкнинг коллегиал ижро органи таркибида фаолият олиб борган ҳолда Банкнинг амалдаги фаолиятини бошқариш бўйича масалаларни ҳал қилиш;
- Банк фаолияти ҳақида тўлик ҳажмдаги маълумотни олиш, Банкнинг таъсис, ички меъёрий хужжатлар, ҳисобга олиш, ҳисботга оид, шартномавий ва бошқа хужжатлари билан танишиш;
- Бошқарув йиғилишининг кун тартиби бўйича масалалар юзасидан маълумотнома тақдим этиш, талабнома бериш, таклифлар киритиш;
- иш Режаси, Бошқарув йиғилишининг кун тартибини шакллантириш бўйича таклифлар киритиш;
- Бошқарув йиғилиши чакирилишини талаб этиш;
- Бошқарув қарорларидан норозилигини ёзма тартибда баён этиш ва уни Банк Кузатув кенгashi эътиборига маълумот тариқасида етказиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги, Банк Устави, мазкур Низом, меҳнат шартномасида назарда тутилган бошқа ҳукуқларни амалга ошириш ҳукуқига эга.

#### 54. Бошқарув аъзолари:

- стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, Банкнинг бошқа ички, жумладан, таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, назорат қилиш ва ахборот бериш, етарли капиталнинг тегишли даражада ушлаб туриш билан боғлиқ сиёсатини амалга ошириш;
- Банк бошқарувининг тегишлича ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан, Банк ходимлари ўртасида ваколатлар ва жавобгарликларни ўз ваколатлари доирасида тақсимланишини таъминлаш;
- Банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;
- Банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес режасини бажариш, шунингдек, вақти-вақти билан қилинган ишлар, Банкка нисбатан қўлланилган чора-тадбирлар ва санкциялар тўғрисида Банкнинг Ягона акционери ва Кузатув кенгашига ҳисботни тақдим этиб туриш;
- Банк фаолиятини тартибга солувчи Банк Уставида ва қонунчиликда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш;
- Бошқарув йиғилишларида иштирок этиш;
- Банкнинг Ягона акционери, Банкнинг Кузатув кенгashi ва Бошқарувининг қарорлари ва топшириқларини бажариш, Банк Устави ва Банкнинг ички меъёрий хужжатлари талабларига риоя қилиш;
- ўз ҳукуқларини амалга ошириш, мажбуриятларини бажариш ва Банк манфаатлари учун ҳаракат қилиш;

● чорак бошланганидан кейин 15 (үн беш) кундан кечиктирмай, Банкнинг Кузатув кенгаши, Банкнинг Тафтиш комиссияси ва Ички аудит бошқармасини ёзма равишда: Банк Бошқаруви аъзоси мустақил равишида ёки ўзининг аффилир шахси (лари) билан биргаликда 20 ёки ундан кўп фоизли овозли акция (улуш, пай)ларга эга юридик шахслар; Банк Бошқаруви аъзосига маълум бўлган Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг меъёрий хужжатларининг қоидаларига мувофиқ у манфаатдор деб тан олинадиган содир этиладиган ёки тахмин қилинаётган битимлар ҳақида хабардор этиш;

● содир этилишидан Банк Бошқаруви ходими манфаатдор деб эътироф этиладиган тахмин қилинаётган битимлар ҳақида Банкнинг Бошқарув Раисига у содир бўлишидан 15 (үн беш) кун олдин маълум қилиш;

● банк сиридан ташкил топган, шунингдек, Банкнинг тижорат сири ҳисобланган маълумотларни фош этмаслик;

● зарур ҳолда Ягона акционер томонидан молия йили натижаларига якун ясаш бўйича ўтказадиган йиғилишларда иштирок этишга мажбур.

55. Бошқарув аъзолари агар уларга Банкнинг Кузатув кенгаши томонидан рухсат берилмаган бўлса, Банк билан рақобатлашувчи юридик шахсларнинг улушли иштирокини таъсис этиш ёки қабул қилиш ҳукуқига эга эмас.

56. Бошқарув аъзолари Банк Бошқаруви томонидан қарорлар қабул қилишга таъсир кўрсатгани учун тўғридан-тўғри ёки билвосита мукофот олиш ҳукуқига эга эмас.

57. Банк Бошқаруви аъзолари уларнинг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизликлари) туфайли Банкка етказилган заарар учун амалдаги қонунчиликка мувофиқ Банк олдида, шунингдек, ўз мажбуриятларини тегишлича бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва Банк Уставига мувофиқ Банк ва унинг акционерлари олдида жавобгар ҳисобланади. Хусусан, Бошқарув аъзоси чалғитувчи ёки билган ҳолда ёлғон маълумот тақдим этиш ёхуд бериш, ёхуд фойда (даромад) олиш мақсадида аффилир шахслар билан ёки уларнинг аффилир шахслари билан йирик битим тузиш таклифи ва (ёки) қарори билан Банкка етказган зарари учун жавобгарликка тортилади.

58. Агар бир неча шахс жавобгар ҳисобланса, уларнинг Банк олдидаги жавобгарлиги биргаликда бўлади. Бошқарув аъзосининг жавобгарлигини асослаш ва ҳажмини аниқлашда ишда аҳамиятга эга бўлган банк фаолиятининг одатий шароитлари ва бошқа вазиятлар эътиборга олиниши лозим.

59. Бунда Банкка заарар этишига олиб келган қарорларни қабул қилишга қарши овоз берган ёки овоз беришда қатнашмаган Бошқарув аъзолари жавобгарликка тортилмайдилар.

60. Бошқарув аъзолари томонидан банк таваккалларини самарасиз бошқариш натижасида Банкка заарар етказилган тақдирда Бошқарув аъзоларига нисбатан қўйидаги санкциялар қўлланилиши мумкин:

- етказилган зарарни қоплаш;
- Банкнинг Ягона акционери ёки Банкнинг Кузатув кенгашининг қарори билан Бошқарув аъзоларининг ваколатларини муддатидан олдин тутагиши;
- кейинчалик бундай шахсларни Бошқарув аъзолигига сайлаш учун номзод сифатида кўрсатиш имконининг йўқлиги.

## IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

61. Мазкур Низом, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Банкнинг Ягона акционерининг қарори билан тасдиқланади.

62. Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрларига ўзгартириш киритилиши натижасида мазкур Низомнинг талаблари унга зид бўлиб қолган тақдирда ушбу талаблар Низомга ўзгартириш киритилгунинг қадар ўз қучини йўқотади, бу вақт давомида Бошқарув Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик меъёрлари ва Банк Уставига амал қиласди.

63. Банк Бошқаруви таркиби тўғрисидаги маълумотлар Банкнинг веб-сайтида чоп этилади.